

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

**PEDAGOGIK OLIIY TA‘LIM MUASSASALARIDA TA‘LIM JARAYONINI
TASHKIL ETISHDA AMALIYOT BILAN UZVIYLIGINI TA‘MINLASH
MASALALARI**

**Respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya
2024-yil, 15-oktyabr**

**Republic-wide scientific and scientific-technical conference
ISSUES OF ENSURING INTEGRATION WITH PRACTICE IN
ORGANIZING THE EDUCATIONAL PROCESS IN INSTITUTIONS OF
PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION**

October 15, 2024

1974 2024
**Республиканскую научно-техническую конференцию на тему
«РОЛЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА
ВЗАИМОСВЯЗИ С ПРАКТИКОЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЫСШИХ
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ»,
которая состоится 15 октября 2024 года**

JIZZAX – 2024

2. Шепилова Н.А. Социально-педагогическая адаптация студентов вуза в процессе формирования их ценностного отношения к педагогической профессии: диссертация... кандидата педагогических наук. - Магнитогорск, 2003. - 187 с.

3. Умаров Л.М. Электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш (халқ таълими педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими мисолида) Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2020. –Б.5.

4. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2018. – 448.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Асадов Элёрбек Кандиярович
Фаргона Политехника Институтини
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация:

Бугун Янги Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳалари чуқур ислохотлар майдонига айланган. Мазкур жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг олий таълим тизимидаги муҳим ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқлар ҳақида батафсил ёритилади. Олий таълимда амалга оширилган чоралар кўламининг кенлиги фақатгина мамлакат ёшлар ҳаётида эмас, бутун бир ижтимоий соҳани ривожланишида муҳим омил бўлади.

Таянч иборалар: олий таълим, профессионал таълим, ислохот, модернизация, стратегия

Abstract:

Today, all spheres of the life of New Uzbekistan have become a field of deep reforms. In this process, changes in the educational system, which is the basis of the social sphere, are of great importance. This article describes in detail the important changes in the higher education system of New Uzbekistan, the ongoing reforms and the achievements. The scope of measures implemented in higher education is an important factor not only in the life of the country's young generation, but also in the development of the entire social sphere total.

Keywords: higher education, professional education, modernization, strategy

Ҳар қандай мақсад ва ислохотлар натижадорлигига илм-фанни тараққиёти орқали эришиш мумкин. Буни ривожланган давлатлар юксалишида илм-фан асосий омил вазифасини ўтаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Шу боис, мамлакатимизда илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, таълим соҳасида кейинги олти давомида муҳим ўзгаришлар, янгиланишларга бой бўлди. Билим даргоҳларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу ўз навбатида, таълимнинг сифати ва даражасини оширган ҳолда, ёшлар ўртасида олий таълим олишга бўлган иштиёқини кучайтирди. Илгари олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Юртимизда бу масалалар ҳисобга олиниб, олий таълимга қабул квотаси йилдан-йилга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларни билимли, малакали, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар этиб тайёрлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ёшларнинг олий таълим олишига катта шароитлар яратиб берилётгани туфайли олий таълим муассасалари сони 2,5 баробарга ортиб, 200 тага етди.

Қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Энг муҳими, олий таълим олиш учун имтиёзли кредитлаш тизими, аёлларга фоизсиз кредит ажратиш амалиёти жорий қилинди.

2017 йилга қадар олий таълим муассасаларида грант ўринлари сони фақат қисқариб келган бўлса, сўнгги олти йилда грантларни кўпайтириш йўлидан борилди. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки бараварга оширилди.

Охирги олти-етти йилда таълим тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар нафақат мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам юртимиз обрў-эътиборини янги босқичга олиб чиқди. Соҳага доир бир қатор қонунлар, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Биргина 2020 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани давлатимизнинг шу борадаги мақсадларини аниқ ифодалаб берди. Ушбу ҳужжатда таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб кўйилди.

Масалан, қонуннинг 5-моддасида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар қафолатланиши белгилаб кўйилди. Бу нима дегани? Бу ҳар бир ёш ўзи истаган олий таълим даргоҳида ўқийди, таълим олади, дегани. Ҳужжатнинг 11-моддасидан эса олий таълим бўйича алоҳида қоидалар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам олий таълим соҳасида давлат хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш белгиланган. Ўтган қисқа даврда ушбу Концепция соҳада таълим сифатини ошириш йўлида туб ислохотларни олиб боришга имкон берди.

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида давлат олий таълим муассасаларида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича масофавий таълим шакли жорий этиш, давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари фақат давлат гранти бўйича тасдиқланиши, республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича 1000 та ўрин ажратиш белгиланган. Бу вазифаларнинг ижроси ҳам қамров даражасини ошириш, эртамик эгаларининг орзу-истаглари рўёбга чиқаришга хизмат қилиши аниқ.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 51-моддасида Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақлилиги, олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги белгилаб кўйилди.

Бу эса мамлакатимизда ёшлар сиёсати устувор эканлигига зўр ишорадир. Бундан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ёшлар учун давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратура босқичида таълим олиш орқали ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини кенгайтиришдир.

Албатта, таълим соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, юртимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш, барча куч-ғайратни бирлаштириш ва фидокорона меҳнат қилиш орқали Янги Ўзбекистонни, пировардида, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш мумкин.

Бундан ташқари, халқаро миқёсда ҳам таълим соҳасида етакчи ўринларни эгаллаш мақсадида кўплаб танловларда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки таъминланмоқда. Биргина мисол, юртимиздаги 28 та олий ўқув юрти TOP-1000 талик рейтингга кириш учун даъвогар сифатида қайд этилди. Ушбу рейтингда университетларнинг

4 та йўналишдаги самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди. Танловда белгиланган ушбу мезонлардан ҳам кўриниб турибдики, олий ўқув юртларидаги ўқув ва ташкилий самарадорлик сезиларли ўсиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларни нодавлат таълим хизматлари, жумладан Европа давлатларидан Германия, Буюк Британия ва Осиё мамлакатларидан Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Япония тизими турлича ташкил этилган бўлса-да, улардаги ўқув, ўқув услубий ишлари ташкил этилиши ҳам ижобий томонлари билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 30.05.2018 йилдаги ПК-3755-сон
4. [Худоёрова Г., *Oliy ta'lim islohotlari: muammolar, o'zgarish va yutuqlar*, 21.06.2023]
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 03.02.2018 йилдаги ПК-504-сон

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФУНКЦИОНАЛЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ

Азамат Усмонов

*Жиззах давлат педагогика университети мустақил изланувчиси,
Мақтаб менежменти кафедраси ката ўқитувчиси*

Узоқ даврлардан бери олий таълим тизимини бошқариш, илмий, инновацион фаолиятини ташкил этиш, инвестициялаш, сифат кўрсаткичларини таъминлаш ва баҳолаш жараёнлари давлат сиёсатининг муҳим элементларидан бири бўлиб келган.

Барча мамлакатларда давлат олий таълимни бошқариш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, амалга оширади ва фаолият натижаларини баҳолайди. Аммо бугунги кунгача глобал миқёсда ягона амал қилувчи яхлит хужжат ҳолатига келтирилган, олий таълим муассасалари умумий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларининг стандартлашган универсал тизими ҳалигача мавжуд эмас ва у минтақалар бўйича фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби дунё давлатлари тараққиётнинг хилма-хиллиги ва ривожланишининг турли босқичидалигидир. Шу сабабли мамлакатлар ва минтақалар ОТМ фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларини миллий хусусиятлар ва иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда. Масалан нисбатан мукамал хужжат сифатида “Европа университетлари 2015 йилда Болонья тизимини қабул қилган 48 давлатнинг таълим вазирликлари томонидан мақулланган “Европа олий таълим ҳудудида олий таълим сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномалар” асосида фаолият юритади ва ушбу хужжат уч қисмдан ташкил топган бўлиб, улар;

- *ички сифат кафолати бўйича стандартлар ва йўриқномалар;*
- *ташқи сифат кафолатлари бўйича стандартлар ва йўриқномалар;*
- *сифатни таъминлаш сиёсати ва тартиблари, ҳар бир университетнинг институционал қараш ва стратегиясини ўзида акс эттирган сифатни таъминлаш бўйича ички сиёсатининг мавжудлигидир²⁸”.*

²⁸Ўзбекистон республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан тайёрланган “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш” методик қўлланма. Тошкент. 2023 йил.